ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАМРОЕВА ЮЛДУЗ АБДУРАШИДОВНА

ТУҒМА ГЛАУКОМА ТАШХИСОТИНИ ВА ЖАРРОҲЛИК ДАВОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.08–Офтальмология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2019

УДК:617.71-007.681-07/089

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хамроева Юлдуз Абдурашидовна
Туғма глаукома ташхисотини ва жарроҳлик
давосини такомиллаштириш.....3

Хамроева Юлдуз Абдурашидовна
Совершенствование диагностики и хирургического
лечения врожденной глаукомы.....23

Khamroeva Yulduz Abdurashidovna
Improvement of diagnostic and surgical treatment
of congenital glaucoma.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованнқх работ
List of published scientific works…….....47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАМРОЕВА ЮЛДУЗ АБДУРАШИДОВНА

ТУҒМА ГЛАУКОМА ТАШХИСОТИНИ ВА ЖАРРОҲЛИК ДАВОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.08–Офтальмология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.1.PhD/Tib49рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-сахифасинингwww.tsdi.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталинингwww.ziyonet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Бузруков Батир Тулкунович** тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Бессмертный Александр Маркович** тиббиёт фанлари доктори **(Россия федерацияси)**
	Бахритдинова Фазилат Ариповна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Алма-Ата шахар куз касалликлар ИТИ (Козоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси 103 уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтитинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 10047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103 –уй. Тел.: (+99871)230-20-65).

Диссертация автореферати 2019 йил «____» _____ тарқатилди.

(2019 йил «___» _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

Ж. А. Ризаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси,тиббиёт фанлари доктори

Л. Э. Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмийкенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х. М. Камилов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда офтальмология соҳасининг долзарб муаммоларидан бири туғма глаукома (ТГ) ни замонавий даволаш усуллар тизимини тадбиқ этишдан иборат. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, кўриш аъзоси касалликлари тизимининг нозологик тузилмасида болаларда қайтариб бўлмайдиган кўрликка олиб келувчи, она қорнида ривожланиш вақтидаги аномалиялар ва ирсий омиллар билан боғлиқ туғма патология устуворлик қилади. Ҳозирги вақтда "...бутун дунёда кўриш фаолияти оғир даражада бузилган ва умуман кўрбўлган 1,5 миллионга яқин болалар мавжуд..."[1]. Кўзнинг туғма касалликлари айни шу вақтда болаларда кўрлик ва кўриш ўткирлигини пасайишининг асосий сабаби бўлиб, болаларда учрайдиган кўз патологиясининг 88дан 92%гачасини ташкил этади. "Болалар кўрлиги умумий структурада ТГ улушига 10-12% тўғри келади"[2].ТГ гетероген касаллик бўлиб, ушбу патологиянинг турли хил этиопатогенетик шаклларини ўз ичига олади, касалликнинг асосий сабаби олд камера бурчагининг барча структураларида турли даражада ифодаланган туғма аномалиялар сабабли дренаж тизим орқали кўз ички суюқлиги (КИС) нинг оқиб чиқишидаги бузилишлар ҳисобланиб, барча кўз касалликларининг 0,1% улушига тўғри келади.

Дунёда болаларда ТГни клиник ташхислаш ва жарроҳлик даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, шу жумладан, фиброз парда ригидлик хусусиятларининг глаукома жараёнига таъсирини ўрганилмоқда. Умуман олганда, кўзнинг ригидлигини ўрганиш унинг корнеосклерал пардасининг биомеханик хусусиятларини кўз ички босими (КИБ) даражаси ва унинг кескин ўзгаришлари билан боғлаш жуда зарурдир. ТГни даволашнинг асосий усули мезодермал тўқимадан трабекуляр соҳанинг блокланган қисмини бартараф этишдан иборат. Бу бугунги кунда болаларда ТГ ни жарроҳлик даволашнинг мунозарали, асосий муаммолардан бири саналади. Сўнгги йилларда КИС нинг қўшимча оқиб чиқиш йўлларини шакллантириш ва дренажлаш хусусиятларига эга турли имплантларни қўллашда янги истиқболли йўналишлар пайдо бўлди. Оқмалар ҳосил қилишга қаратилган амалиётларнинг кўп сонли классик модификациялари КИСни оқиб чиқишини яхшилашга қаратилган, лекин склеро-склерал, склеро-конъюнктивал битишмалар ва чандиқ тўқиманинг ривожланиши туфайли кўп ҳолларда бу амалиётларнинг гипотензив самараси сусайиши мумкин. Бу ҳолат бугунги кунда ТГ билан оғриган болаларни жаррохлик даволашнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиёт тизими жаҳон стандартларига мослаш, сурункали касалликларини олдини олиш ва

---

[1]ЖССТ 2014 йил хисоботининг натижалари

[2]Хватова А.В., Теплинская Л.Е., Мазанова Е.В. Осложнения трабекулэктомии при врожденной глаукоме у детей // Вестник офтальмологии–2003 –№1 –С. 16-19.

бартараф этиш бўйича қатор вазифалар мавжуд. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш...» [3] вазифалари белгиланган. Кўз касалликларида, жумладан глаукоманинг турли хилларида, инновацион технологиялар ва замонавий даволаш усулларини қўллаш асосида барвақт аниқлаш ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон "2017-2021 йилларга Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида"ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ-5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари, 2017 йил 20 июндаги ПФ-3071-сон "2017-2021 йилларга Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда дренажнинг турли усуллари орқали амалга ошириладиган кўп сонли, глаукомага қарши операциялар мавжуд. Уларнинг орасида болаларда ТГни асосий даволаш усули трабекуляр зонанинг блокланган қисмини мезодермал тўқимадан ажратишга йўналтирилган. ТГни дренаж ёрдамида ва дренажсиз ҳар бир таклиф этилган жарроҳлик даволаш усули ўзининг ютуқ ва камчиликларига эгадир (Хватова А.В. хаммуаллифлар билан, Качан Н.А., 2000; Корнилаева Г.Г., 2003; Мулдашев Э.Э. с соавт., 2003; Rockwood E.J. Parrish R.K., Heuer D.K., 2007). Пролиферация жараёнларига тўсқинлик қилувчи замонавий йуналишларга: амалиётларда шикастланишни камайтириш, субконъюнктива ва эписклерани кесиш, кортикостероид, протеолитик ферментларни қўллаш, антиметаболит гуруҳидаги цитостатик воситалардан фойдаланишлар киради. Шулардан антиметаболитлар гуруҳидаги дори воситаларини қўлланилиши (5-фторурацил, кейинроқ митомицин, блеомицин), бу ўз навбатида, глаукомага қарши филтрловчи операциялар натижаларини сезиларли яхшиланишига олиб келди (Зубарева Л.Н. ва ҳаммуалиф., 2005; Борзунов О.И. ва ҳаммуал., 2012). Охирги йилларда КИСни оқиб кетишининг қўшимча йўллари билан биргаликда дренаж хусусиятига эга турли имплантларни

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стартегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

қўллаш бўйича янги истиқболли йўналиш пайдо бўлди. Шу билан бирга, мавжуд имплантларни глаукома жарроҳлигида қўлланиши бўйича асосий камчиликлари биологик бузилишларга қаршилик кўрсатмаслиги, қобиқ ҳосил қилиши, қатор жиддий камчиликлар ва уларнинг баъзиларининг юқори харажатлилиги, улардан кенг фойдаланишни анча чеклайди (Бессмертный А.М.,2006; Батманов Ю.Е., хаммуаллифлар билан 2008).

Мамлакатимизда глаукомани ташхислаш ва даволаш бўйича тадқиқотлар амалга оширилган, хусусан Х.М. Камиловнинг (1987) ЭХМ ёрдамида очиқ бурчакли глаукомаси мавжуд беморларни ва уларда жарроҳлик даволаш усулидан сўнг кўриш функциялари ўзгаришини диспансер кузатуви бўйича ишлари (1990). М.Х. Каримованинг (2013) ишларида очиқ бурчакли глаукомаси мавжуд беморларни маҳаллий гипотензив даволашдаги кўриш функциялари ўзгаришлари катталарда батафсил ўрганилган, Ф.А. Бахритдинова (2013) томонидан очиқ бурчакли глаукомада бримоптик препаратини, глаукома оптик нейропатиясида эса эндоназал электрофорез қўллаш бўйича ишлар амалга оширилган. Шуни таъкидлаш лозимки, кўзнинг фиброз пардаси биомеханик хусусиятларини клиник баҳолаш ва турли дренажлар ёрдамида жарроҳлик амалиёт усулларини ишлаб чиқиш асосида ТГни даволаш самарадорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб муаммоси бўлиб келмоқда. Кўплаб таклиф этилган мумтоз оқма хосил қилувчи барча операциялар болаларда КИСни оқиб чиқишини яхшилашга қаратилган. Ушбу амалиётларнинг гипотензив самараси, кўпинча, склеро-склерал, склеро-конъюнктивал битишмалар ва чандиқ тўқимаси хосил бўлиши туфайли пасаяди. Бугунги кунда ушбу муаммо ТГ билан оғриган болаларни жарроҳлик усулида даволашнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Шундай қилиб, барча муаллифларнинг фикрича хозирги вақтда ТГ билан оғриган болаларда офтальмотонусни тўлиқ меъёрга келтириш имконини берувчи жарроҳлик давонинг оптимал усули мавжуд эмас. Шунинг учун, болаларда ТГни жарроҳлик даволашнинг янги усулларини излаш ханузгача давом этмоқда.

ТГ билан оғриган болаларда, кўз фиброз пардасининг биомеханик хусусиятларини клиник баҳолаш асосида ташхислаш ва жарроҳлик даволашнинг самарадорлигини ошириш ва аутосклерал дренажни қўллаган ҳолда янги усулни ишлаб чиқиш орқали КИСни оқиб чиқиши учун янги ҳосил қилинган супрацилиар йўлларининг функционал ҳолатини сақлаб туриш ва фаоллаштириш хусусияти туфайли болаларда глаукомага қарши оқма хосил қилувчи операциялар самарадорлигини ошириш имконини беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 001228-сонли «Болаларда туғма ва орттирилган кўз касалликларини ташхислаш ва даволаш тизимини такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўзнинг клиник-функционал ва биомеханик хусусиятларини аниқлаш асосида болаларда туғма глаукомани ташхислаш самарадорлигини ошириш ва аутосклера қўллаган тарзда янги жарроҳлик даволаш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

туғма глаукомали болаларда фиброз парда биомеханик хусусиятларини аниқлашда ташхис усули сифатида эластотонометрия қийматини баҳолаш;

туғма глаукомали болаларда касалликнинг клиник намоён бўлиш босқичини, кўзнинг фиброз парда биомеханик хусусиятлари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

туғма глаукомали болаларда кўз фиброз пардасининг биомеханик хусусиятларини ифодаловчи, аниқланган қонуниятлар асосида оқма хосил қилувчи глаукомага қарши амалиёт усулини ишлаб чиқиш;

туғма глаукомали болаларда жарроҳлик аралашувидан олдинги ва кейинги кўзнинг клиник-функционал ва биомеханик кўрсаткичлари асосида таклиф этилган глаукомага қарши амалиёт самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлган Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси кўз касалликлари бўлимида ТГ билан ётиб даволанган 82 та 8 кунликдан 7 ёшгача бўлган болалар олинган. Бунда таклиф этилган жарроҳлик усули ТГ билан огриган 57 та болаларда ва анъанавий усул 25 та болаларда бажарилди.

Тадқиқотнинг предметини жарроҳлик даволашнинг энг оптимал усулини қўллаш ва кўзнинг фиброз пардаси биомеханик хусусиятларини аниқлаш учун кўзнинг клинико-биомеханик тахлиллари олинди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда клиник-функционал, визометрия, биомикроскопия, периметрия, тонометрия, тонография, эластотонометрия, офтальмоскопия кўз туби фундус фотосурати, кератометрия, гониоскопия, эхобиометрия, ултратовуш А-ва В-сканерлаш ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: туғма глаукомали болаларда эластокўтарилиш ва шох парда деформацияси кўрсаткичларига боғлиқ ҳолатда кўз фиброз пардасининг биомеханик ва биометрик хусусиятлари кўрсаткичларига асосан эластотонометриянинг мунтазамлийлиги аниқланди;

туғма глаукомали болаларда эластокўтарилиш ≥9,0 мм сим.уст. ва шох парда деформация кўрсаткичи ≤2,5 мм бўлганда кўз фиброз пардасининг ригидлик хусусияти ортганлиги исботланди;

туғма глаукомали болаларда кўзнинг клинико-биомеханик хусусиятлари ишончлилик кўрсаткичларига асосан, кўз фиброз пардаси ригидлик хусусияти ошган глаукома босқичларида аутосклера қўллаган тарзда янги оқма хосил қилувчи, глаукомага қарши усул ишлаб чиқилган;

туғма глаукомали болаларда таклиф этилган аутосклера қўллаган тарзда янги оқма хосил қилувчи, глаукомага қарши усули амалиётдан олдин ва кейин клиник намоён бўлиш белгилари ва кўзнинг фиброз пардасининг

биомеханик кўрсаткичлари ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

туғма глаукомали болаларда кўз клиник-функционал кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда кўз фиброз пардасининг хоссалари хусусиятлари аниқланди;

туғма глаукомани даволаш натижаларини яхшилаш имконини берувчи аутосклера қўллаган тарзда янги оқма хосил қилувчи, глаукомага қарши усул амалиётга таклиф этилган;

туғма глаукомали болаларда таклиф этилган оқма хосил қилувчи, глаукомага қарши усулни кўрсатма ва қарши кўрсатмалар асослаб берилган;

туғма глаукомали болаларда кўзнинг фиброз парда ригидлик кўрсаткичлари нафақат ташхис мезони, балки даволаш самарадорлигини аниқлашда қимматбаҳо миқдорий маркер вазифасини бажариши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморлар холатини баҳолашнинг объектив мезонларини, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини, услубий ёндашувни тўғри қўллаш ва статистик таҳлил тўпларини қўллаш йўли билан асосланган. Тадқиқот етарли миқдордаги клиник материаллар асосида олиб борилган. Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш натижаларнинг ишончлилиги тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ТГ билан оғриган болаларда кўз фиброз пардаси ҳолатини баҳолашда олиб борилган клинико-функционал, биомеханик, биометрик кўрсаткичлари асосида аутосклера қўллаган тарзда янги оқма хосил қилувчи, глаукомага қарши усули натижалари бўйича аниқланган қонуниятлар ишончлилиги билан исботланиб, улар ушбу мавзу бўйича услубий ёндашувларни такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, болаларда ТГни хирургик даволашнинг ишлаб чиқилган усули кўз ичи суюқлигининг табиий трабекуляр, супрацилиар ва субконъюнктивал йўллар орқали оқиб чиқишини яхшилаши, натижада кўз олма олд ва орқа сегментлари ўртасидаги босим мутаносиблигини таъминлаши ҳамда амалиёт вақтида ва ундан кейин асоратлар ривожланиш хавфини камайтириши, кўз ичи босимини меъёрлаштириши, унинг хуружланиши ва қайта операциялар сонини камайтирилиши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Болаларда ТГ ташхисотини ва жарроҳлик даволашни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий натижалар асосида:

“Туғма глаукомани жарроҳлик даволаш усули»га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 04890-сон патент, 2014 йил 12 май). Тавсия этилган усулни қўллаш ТГни жарроҳлик даволанишининг бевосита натижаларини яхшилаш имконини берган;

«Туғма глаукомани жарроҳлик даволаш усули» (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги 8н-р/247-сон маълумотномаси) ва

«Туғма глаукома билан болаларда глаукомага карши операция усулини танлашда кўз фиброз пардасини баҳолаш» услубий тавсияномалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 13 февралдаги 8н-р/45-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар ТГни эрта ташхислаш ва жарроҳлик усулда даволаш натижаларини яхшиланиш имконини берган.

Болаларда ТГни ташхислашни ва жарроҳлик давосини такомиллаштириш бўйича бажарилган тадқиқот натижалари Республика соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар болалар клиник касалхонаси ва Самарқанд вилоят кўз касалликлари касалхонаси амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 13 февралдаги 8н-р/45-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Татбиқ этиш натижаларига кўра, операция вақтида ва ундан кейинги асоратлар сонини 2,5 мартага қисқартириш, КИБни ўртача 4,3 мм.сим.уст.га камайтириш ва 96,5% ҳолларда биомеханик кўрсаткичларни меъёрга яқинлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2та илмий-амалий анжуманларда: 1 та халқаро ва 1 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 21та илмий иш нашр этилган, шу жумладан: 1 та ихтиро патенти, 10 та моқола, улардан 5 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва ўтказилган тадқиқотларнинг зарурияти асосланган, мақсад ва вазифаларга, тадқиқот объекти ва предметига тавсиф берилган, олиб борилган тадқиқотларни Республикадаги фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этилиши, натижаларнинг нашр этилганлиги ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Туғма глаукомани ташхис қилиш ва даволашнинг замонавий аспектлари»** биринчи бобида адабиёт манбаларнинг кенг ёритилган таҳлили берилган. Мазкур боб 3та бўлимдан иборат, улар ТГни ташхис қилиш, унинг патогенези, жарроҳлик даволашнинг асосларига бағишланган. Мамлакатимиз ва ҳорижий олимларнинг болалар ТГ ва кўзнинг фиброз пардаси ригидлигини даволашдаги энг замонавий илмий ютуқлари таҳлил қилинган. ТГни янги жарроҳлик усуллари орқали даволаш

бўйича, давлат ва маҳаллий миқёсда ечимини топиш талаб этилган, адабиётларда келтирилган маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг **«Туғма глаукомаси мавжуд болаларни клиник материаллари ва текшириш усулларининг характеристикаси (тафсифи)»** иккинчи бобида 8 кунликдан 7 ёшгача бўлган (ўртача 3,4±1,4 ёшни ташкил этди) Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг кўз касалликлари бўлимида 2011-2017 йилларда даволанган ТГ билан оғриган 82 та болалар (160 кўз) текширилди. Кузатиш муддати 2 йилни ташкил этди. Барча пациентлар 2 гуруҳга бўлинди. Биринчи (асосий) гуруҳга биз тавсия этилган усулда (12.05.2014 йилдаги IAP 04890-сонли ихтиро учун патент олинган) операция қилинган 57та (112 кўз) бемор болалар киритилди. Иккинчи таққослаш гуруҳига эса, анъанавий усулда 25 та (48 кўз) операция ўтказилган бемор болалар киритилган.

1- жадвал

Болаларда ТГни ёшга ва касалликнинг босқичлари бўйича тақсимланиши

Касаллик босқичлари	Асосий гуруҳ n=57		Таққослаш гуруҳи n=25	
	Ёши	Абс (%)	Ёши	Абс (%)
Ривожланган	8–28 кун	7 (29%)	8–28 кун	1 (11%)
	1–12 ой	13 (54%)	1–12 ой	7 (78%)
	1 – 3 ёш	4 (17%)	1 – 3 ёш	1 (11%)
	3–6 ёш	-	3–6 ёш	-
	7 – 14 ёш	-	7 – 14 ёш	-
Чуқур жадаллаб кетган	8–28 кун	6 (23%)	8–28 кун	1 (8%)
	1–12 ой	12 (46%)	1–12 ой	3 (25%)
	1 – 3 ёш	5 (19%)	1 – 3 ёш	4 (34%)
	3–6 ёш	2 (8%)	3–6 ёш	1 (8%)
	7 – 14 ёш	1 (4%)	7 – 14 ёш	3 (25%)
Терминал	8–28 кун	-	8–28 кун	-
	1–12 ой	-	1–12 ой	-
	1 – 3 ёш	1 (14%)	1 – 3 ёш	2 (50%)
	3–6 ёш	2 (28,6%)	3–6 ёш	1 (25%)
	7 – 14 ёш	4 (57,2%)	7 – 14 ёш	1 (25%)
Жами		57 (100%)		25 (100%)

Изоҳ: n-беморлар сони

Беморларда ТГ аниқлашда қуйидаги текшириш усуллари: визометрия, периметрия, гониоскопия, офтальмоскопия, тонометрия ва тонографияўтказилди. Шунингдек қуйидаги махсус усуллар, кўз фиброз пардасини ригидлиг хусусияти, склеранинг ригидлик коэффициенти (эластотонометрия) Филатов-Кальф услуби бўйича аниқланди. Тонометрия натижалари координаталар тизимига киритилиб, абсциссалар ўқи бўйлаб – ҳар бир тонометр массаси, ординаталар ўқи бўйлаб–тегишли тонометрик босим бемор болаларнинг ёшига қараб ТГ даражалари кесимида ўрганилди.

Учта нуқтани бирлаштирувчи чизиқ, эластотонометрик эгри ёки

эластоэгри деб номланади. Таҳлил жараёнида унинг шакли, кенглиги ёки эластокўтарилиш (мм симоб устунида ўлчанган катта ва кичик массали 15 ва 5г.) ва тонометр кўрсаткичларининг фарқи инобатга олинди. Шох парда деформацияси кўрсаткичи, кўз ташқи капсуласининг биомеханик хоссалари Шкребец Г.В. (2014) услуби бўйича аниқланди, ушбу усул А.Н. Маклаковнинг 5г ($Д_5$) и 15г ($Д_{15}$) юкчалари билан ўтказиладиган эластотонометрия ёрдамида шох парда яссилиги диаметрини (мм), аниқлашдан иборат бўлиб, шох парда деформация (ШПДК) кўрсаткичлари (мм)ШПДК =$Д_{15}$ –$Д_5$ формуласи бўйича ҳисобланди. ШПДК ≤2,5мм бўлганда ТГ ривожланиши ва ШПДК ≥2,5 мм бўлганда хориоретинал дистрофия ривожланиши башорат қилинган. Гониоскопия учкўзгули Гольдман гониоскопи билан амалга оширилди. Гониоскопик расм характеристикаси Н.Б. Шульпина (1983) услуби бўйича, гониодисгенез Э.Г. Сидоров и М.Г. Мирзаянц (1988) бўйича баҳоланди. Тонометрия ва тонография наркоз остида А.Н. Маклаков юкчаларидан фойдаланиб ўтказилди. Олинган натижалар Б.Л. Поляк ўлчов лентаси ёрдамида аниқланди. Гуруҳларда гидродинамикани текшириш А.П. Нестеров бўйича (1968) 3 дақиқалик осонлаштирилган тонография услубида амалга оширилди. ШПДК аниқлангандан сўнг Егоров Е.А., Васин М.В. (2006) жадвали бўйича кератопатия ва шох парда шишида ШПДКни тузатиш амалга оширилди. Кўз тубини фундус суратга олиш махсус камера ёрдамида ўтказилди (Topcon retinal camera TRC-50DX.

ТГ билан оғриган болаларда аутосклерал дренаждан фойдаланиб глаукомага қарши янги оқма хосил қилувчи усул техникасини амалга ошириш. ТГни жарроҳлик усулда даволаш (Бузруков Б.Т., Левченко О.Г., Хамроева Ю.А. 12.05.2014 йилдаги IAP 04890-сонли Ихтиро учун патент). Умумий интубацион наркоз остида конъюнктивани кўз олмаси лимбидан 11дан 13гача бўлган масофада ажратилиб, у фартук кўринишида юқорига кўтарилади. Кейин асоси лимбга қараб жойлаштирилган тўртбурчак шаклида қон томирлар ўрта чуқурликда диатермокоагуляция қилинади. Асоси лимбга қаратилган «П»-сифат склерал лахтак шакллантирилади, унинг қалинлиги склеранинг ½ қисмига, ўлчамлари 5х4 мм бўлади, склерал лахтакнинг икки тарафидан қалинлиги склеранинг ½ қисмига ўлчамлари 1х4 мм тенг парчалар бичиб олинади. Кейин склеранинг ½ қисмига тенг «П»-сифат склерал лахтак остида лимбдан 3мм қочириб унга параллел тарзда цилиар тананинг ясси қисми проекциясида иккита тешиб ўтувчи узунлиги 1,5 мм бўлган чап ва ўнг кесим бажарилди. Бунда чап кесим «П»-сифат склерал лахтакнинг чап қирраси проекциясида, ўнг кесим эса «П»-сифат склерал лахтакнинг ўнг қирраси проекциясида жойлашади. Мазкур кесимлар орасидан супрацилиар бўшлиққача тоннель шакллантирилиб, ундан бичиб олинган ва 180^0 буралган склерал лахтак ўтказилиб, олд камерага жойлаштирилиб (1-расм.а), циклоретракция амалга оширилди. Шунда кўз ички суюқликни оқиши юза склерал йўллар орқали ўтади (1-расм. б,в). Кейин веноз синус проекцияси аниқланиб, синусотрабекулотомия ўтказилади. Бунда синусга Хармс

трабекулотоми киритилиб, уни аввал ўнг томонга сўнг чап томонга бураб трабекула тешилади. Шунда кўз ички суюқликни оқиши табиий трабекуляр йўл оркали амалга ошади. (1-расм.г). Бундан кейин трабекулэктомия билан базал иридэктомия ўтказилади ва кўз ички суюқликни оқиши субконъюнктивал йўл оркали бўлиши таъминланди (1-расм.д). Юза склерал лахтак жойига солиниб, иккита тугунли чок билан мустаҳкамланди 8:00 (1-расм.е), конъюнктивага 11 ва 13 соат тенгида лимб ёнида 2 чок қўйилади 6:00 (1-расм. ё).



1-расм. Аутосклерал дренаждан фойдаланиб туғма глаукомани жарроҳлик усулида даволаш.

Олинган натижаларни статистик ишлов беришда фарқлар ўртасидаги ишончлилик даражаси Стьюдент t-мезони ва корреляция коэффициенти Пирсон усули бўйича баҳоланди.

Диссертациянинг **«Туғма глаукомали болаларда кўриш аъзосини клиник-функционал кўрсаткичлар натижалари»** учинчи бобида жарроҳлик аралашувидан олдинги ТГ билан оғриган болаларда аниқланган клиник-функционал кўрсаткичлар ифодаланган ва шунингдек глаукомага қарши операция усулини танлаш учун кўз фиброз пардасининг ригидлиги баҳоланган. 2 ва 3 жадвалларда текширилган болалар кўзларининг функционал кўрсаткичлари келтирилган.

2- жадвал

Босқичлар бўйича тонометрик КИБ (мм симоб устунида) (M±m)

Босқичлар	Асосий гуруҳ	Таққослаш гуруҳи
Ривожланган	29,5±0,86*	25,4±0,5
Чуқур жадаллаб кетган	35,8±1,3*	31,08±0,8
Терминал	40,01±1,53*	36,5±1,2

Изоҳ: *P<0,001 назоратга нисбатан.

3- жадвал

Туғма глаукома босқичлари бўйича ёшга оид кўзнинг ООЎ кўрсаткичлари (M±m)

Туғма глаукома босқичлари	Янги туғилган чақалоқ	1 ёшгача	3 ёшгача	5 ёшгача	7 ёшгача
Ривожланган M±m	n=14 20,4 ± 0,3*	n=10 22,0±0,21*	n=9 22,5 ±0,5	-	-
Чуқур жадаллаб кетган M±m	n=10 22,0±0,3º	n=10 25,6±0,6º	n=10 27,2±0,5º	n=4 27,0±0,03º	n=4 28±0,1º
Терминал M±m	-	-	n=6 28,6±0,7	n=4 29,0±0,25	n=1 31±1,1

Изоҳ: *-P<0,001 фарқларнинг ишончлилиги; º-P<0,001 ривожланган гуруҳдаги натижаларга нисбатан.
n-беморлар сони

Кўз гидродинамикаси кўрсаткичларини ўрганиш қуйидагиларни кўрсатди: асосий гуруҳдаги беморлар чин КИБ 22,2±0,7 мм сим.уст., таққослаш гуруҳида эса 23,3±0,5 мм сим.уст. (P<0,001). КИС оқиб чиқиши шунга мувофиқ тарзда 1 дақиқада 0,20±0,05 ва 0,14±0,03 мм^3 тенг(P<0,001). КИС ишлаб чиқарилиши 1 дақиқада 2,8±1,2 ва 2,6±0,8 мм^3 ташкил этди (P<0,05). Шу муносабат билан Беккер коэффициенти кескин ошиши кузатилди ва у мувофиқ тарзда 164,5±40,1 ва 124±30,5 тенг эди (P>0,05).

Офтальмоскопик текширувда турли даражада ифодаланган глаукоматоз экскавация КНД мавжудлиги 65% болаларда аниқланди, қолган 35% беморларда кератопатия борлиги сабабли кўз туби белгиларини кузатиш имкони бўлмади. Процент ҳисобида экскавацияни кўрув нерв диски юзасига муносабати (Э/Д) асосий гуруҳ беморларида ривожланган босқичда 0,43±0,02, таққослаш гуруҳида 0,46±0,2 тенг бўлди. Чуқур жадаллаб кетган босқичида ушбу кўрсаткичлар мувофиқ тарзда 0,68±0,5 ва 0,7±0,6 ва терминал босқичда эса мувофиқ тарзда 0,87±0,1 ва 0,85±0,4 тенг бўлди.

Гониоскопик маълумотларга биноан иккала гуруҳ беморларида ТГнинг ривожланган босқичида 18 (11%) кўзларда гониодисгенез аниқланди. 102 (64%) кўзларда II – даражали гониодисгенез, 35 (22%) кўзларда III даражали гониодисгенез аниқланди. Терминал босқичда 4 (36%) кўзларда II – даражали гониодисгенез, 5 (45%) кўзларда III – даражали гониодисгенез аниқланди. Қолган холларда кератопатия мавжудлиги туфайли ОКБни кўришнинг иложи бўлмади.

Эласто кўтарилишнинг (ЭК) ва шох парда деформацияси кўрсаткичлари ҳам ТГда ва соғлом болаларда ўрганилди. Болалар уч гуруҳга бўлинди. ЭК ва шох парда деформацияси ўртача кўрсаткичлари қуйидагиларни ташкил этди: назорат гуруҳида ЭК 8,2 мм сим. уст., ШПДК 2,8 мм (бу кўрсаткичларнинг меъёри); таққослаш гуруҳида ЭК 10,5 мм сим.уст., ШПДК 2,1 мм. Асосий

гуруҳда ушбу кўрсаткичлар мувофиқ тарзда 10, 4 мм рт. ст. ва 2,0 мм ташкил этди. Шундай қилиб, ЭК кўрсаткичи ошганда шох парда деформацияси кўрсаткичлари ТГ да шох парданинг шиши туфайли пасаяди (2 расм).



2-расм. Текширилган гуруҳларда ЭК кўрсаткичлари.

Гуруҳлар бўйича эластотонометрия натижалари 3 расмда келтирилган. ЭК ўртача кўрсаткичини таҳлилида қуйидагилар аниқланди: ривожланган босқичда унинг ўртача қиймати 9,15±0,5 мм сим. уст.,чуқур жадаллаб кетган босқичда 10,4±0,03 мм сим. уст. ва терминал босқичда эса 11,9±0,1 мм сим. уст. тенг бўлди.

ТГ нинг босқичлари бўйича ЭК ўртача кўрсаткичлари таҳлилларига биноан уччала босқичидаги қиймати иккала гуруҳда ҳам катта фарқ қилмаслиги аниқланди. Гуруҳларда КФП биомеханик параметрлари натижалари ва Шкребец Г.В. бўйича шох парда деформацияси кўрсаткичлари 3,4 расмда келтирилган.



3-расм.Гуруҳлар бўйича эластотонометриянинг ўртача кўрсаткичлари



4-расм.Текширилган гуруҳларда босқичлар бўйича ШПД кўрсаткичлари.

Глаукома жараёни босқичларини инобатга олган тарзда корреляцион боғланишлар ўрганилганда. КИБ (P_t) ва ЭК кўрсаткичлари ўртача ижобий боғланишга эгаликлари аниқланди (r=0,4).ЭК ва ШПДК орасида ТГнинг ривожланган ва чуқур жадаллаб кетган босқичларида ижобий боғланиш кузатилди, терминал босқичида эса ушбу кўрсаткичлар орасида боғланиш йўқлиги аниқланди (r=0,1). Таъкидлаш лозимки 28,5% болаларда кўз ООЎ 26мм дан ошганлиги аниқланди, бу кўз фиброз пардасининг ригидлиги пасайганини билдиради, бунда ригидлик секин аста жадаллаб, глаукома жараёни босқичларини акс эттириб бориб, ТГнинг чуқур жадаллаб кетган ва терминал босқичлар орасида унинг кескин ортиб кетиши аниқланди ($p \leq 0,005$) (4 жадвал).

Иккала гуруҳлардаги P_t, ООЎ, Э/Д, ЭК, ШПДК кўрсаткичлари орасида мавжуд Пирсон бўйича корреляцион боғланиш 4 ва 5 жадвалда келтирилган.

4- жадвал

Текширилаётган гуруҳларда КФП биомеханик кўрсаткичи (M±m)

Кўрсаткичлар	Ривожланган босқич		Чуқур жадаллаб кетган босқич		Терминал Босқич	
	Асосий гуруҳ (n=48)	Таққос-лаш гуруҳи (n=17)	Асосий гуруҳ (n=52)	Таққос-лаш гуруҳи (n=24)	Асосий гуруҳ (n=12)	Таққос-лаш гуруҳи (n=7)
P_t (мм сим.уст.)	29,5± 0,8*	25,4± 0,5	35,8± 1,0*	31,08± 0,8	33,01± 1,5	33,5± 1,2
ООЎ (мм)	23,0 ± 1,2	22,0± 0,98	24,5± 1,7	26,2± 3,4	28,0± 0,8*	28,0± 1,2
Э/Д (%)	0,43± 0,9	0,46± 0,2	0,68± 0,05	0,7± 0,6	0,87± 0,1	0,85± 0,4
ЭК (мм сим.уст.)	9,0± 0,5	9,1± 0,01	10,3± 0,1	10,5± 0,4	12,0± 0,3	11,8± 0,05
ШПДК (мм)	2,2± 0,3	2,4± 0,5	1,9± 0,8	2,0± 0,6	2,0± 0,2	2,1± 0,3

Изоҳ: n- кўзлар сони

Изоҳ*: -P<0,001 назорат гуруҳига нисбатан.

5- жадвал

Туғма глаукоманинг турли босқичларида иккала гуруҳдаги кўз кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғланиш

Кўрсаткичлар	Ривожланган босқич (n=65)	Чуқур жадаллаб кетган босқич (n=76)	Терминал босқич (n=19)
ООЎ – Э/Д	r=0,22	r = 0,44	r = 0,32
P_t – Э/Д	r = 0,3	r = 0,35	r = 0,2
P_t – ЭК	r = 0,41	r = 0,41	r = 0,44
Э/Д – ШПДК	r = 0,3	r = 0,4	r = 0,34
ЭК – ШПДК	r = 0,3	r = 0,36	r = 0,1

Изоҳ: n- кўзлар сони

ЭК кўрсаткичларининг ўртача қийматларининг таҳлили ТГнинг турли босқичлари орасидаги унинг қийматининг статистик чин фарқларини аниқлашга имкон берди ($p \leq 0,05$). Эластоэгрилик шакллари ҳам иккала гуруҳда фарқланади. Чуқур жадаллаб кетган ва терминал босқичларда эластоэгриликлар кўпинча “бурилишларга” эгалиги аниқланди.

Склеранинг ригидлиги ошганда эластокўтарилиш ва бурилишли эластоэгрилик кузатилди. Ривожланган босқичда P_t – Э/Д, P_t – ЭК, ЭК– ШПДК ва ЭК– ШПДК, параметрлари ўртасида ўртача тўғри боғланиш ООЎ – Э/Д лар дан ташқари кузатилди, бу КИБ ошиб кетганда глаукома жараёни жадал ривожланишини кўрсатади. Чуқур жадаллаб кетган босқичда параметрлар орасида ўртача тўғри боғланиш аниқланди, бу глаукома жараёни кўз параметрлари ўзгариши билан параллел тарзда ривожланаётганлигининг белгисидир. Терминал босқичда P_t – Э/Д ва ЭК – ШПДК параметрлари ўртасида суст ижобий боғланиш кузатилди, бу КФП суст ригидлик хусусиятларини ифодалайди (кўз фиброз пардасининг ригидлиги ва эластиклигининг пасайиши), шунинг учун патологик жараённи жадал ривожланишига тўсқинлик бўлмайди.

Диссертациянинг **«Туғма глаукомали болаларни жарроҳлик усулда даволашнинг клиник-функционал натижалари»** тўртинчи бобида операциядан кейин ТГ билан оғриган болаларда учрайдиган интраоперацион ва операциядан кейинги асоратлар, операциядан кейинги даврда кўзнинг функционал холатининг динамикаси, шунингдек кўз фиброз пардасининг ригидлиги аҳволини қиёсий баҳолаш ёритилган. Олинган натижалар таҳлилларига кўра, асосий гуруҳдаги 10 (15%) таққослаш гуруҳидаги 12 (24%) пациентда операция вақтида гифема кузатилди, шишасимон тананинг тушиши ва гемофтальм асосий гуруҳда кузатилмади, таққослаш гуруҳида эса шишасимон тананинг тушиши 3 (22%) беморларда, гемофтальм 1 (14%) беморларда кузатилди.

Эрта операциядан кейинги асоратлардан: хориоидеи шиши асосий гуруҳда 14 (33%) беморда, таққослаш гуруҳида 13 (91%) беморда; шишасимон тананинг ОГМ қисман кўчиши асосий гуруҳдаги 5 (16%) беморда, таққослаш гуруҳидаги 3 (22%) беморда; хориоидея кўчиши асосий гуруҳда 1 (8%), таққослаш гуруҳида 2 (18%) беморда кузатилди; цилиохориоидея ва кўз тўр пардасини кўчиши кузатилмади.

Реоперациялар сони асосий гуруҳда 1,7% (терминал босқичидаги беморлар), таққослаш гуруҳида эса 14,5% (чуқур жадаллаб кетган ва терминал босқичидаги беморлар) ташкил этди.

Опрециядан сўнг иккала гуруҳдаги беморларнинг кўриш ўткирлиги динамикаси 6 жадвалда келтирилган.

Асосий гуруҳ беморларида КИБ кўрсаткичлари операциядан олдин 33,4±0,8, шифохонадан чиқиш вақтида 16,4±0,7, 1 ойдан кейин 17,2±0,36, 6 ойдан кейин 18,0±1,3, 12 ойдан кейин 14,4±0,86, 18 ойдан кейин 21,5±0,1 мм сим.уст. ташкил қилди. Таққослаш гуруҳ беморларида КИБ кўрсаткичлари операциядан олдин ўртача 28,4±0,4, шифохонадан чиқиш вақтида 14,1±0,4,1 ойдан кейин 20,8±1,03,6 ойдан кейин 22,3±1,2, 12 ойдан кейин 23,1±0,6, 18 ойдан кейин 25,8±0,3 мм сим.уст. ташкил қилди.

Шундай қилиб асосий ва таққослаш гуруҳлари беморларининг КИБ фарқи ўртача 4,3±0,1 мм сим. уст. тенглиги аниқланди.

Асосий гуруҳдаги 52 (98%) беморда кузатиш даври мобайнида (18 ой) КИБ 21,5 мм сим.уст.дан паст бўлди, бу таклиф этилган жарроҳлик даволаш усулининг узоқ муддатли гипотензив эффектга эгалиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради. Таққослаш гуруҳидаги 18 (85%) беморда кузатиш даври мобайнида (18 ой) КИБ 25,8 мм сим.уст. дан пастроқ бўлди, бу КИБнинг субнормаллиги ҳақида далолат беради (7 жадвал).

6-жадвал

Операциядан кейин беморларнинг кўриш ўткирлиги динамикаси(M±m)

Гуруҳ	Босқичлар	Бошлан-ғич	Шифохона-дан чиқиш вақтида	1 ойдан кейин	6 ойдан кейин	12 ойдан кейин	18 ойдан кейин
Асосий гуруҳ (n=112)	Ривож-ланган n=48	0,1± 0,2	0,1± 0,09*	0,2± 0,04*	0,3± 0,07	0,4± 0,01*	0,4± 0,2
	Чуқур жадал-лаб кетган n=55	0,03± 0,01	0,03± 0,01*	0,06± 0,09	0,1± 0,15	0,2± 0,2	0,25± 0,1*
	Терминал n=12	2 ранг	3 ранг	3 ранг	3 ранг	4 ранг	4 ранг
Таққослаш гуруҳи (n=48)	Ривож-ланган n=17	0,09± 0,01	0,1± 0,09º	0,1± 0,04º	0,2± 0,07º	0,3± 0,01º	0,3± 0,2
	Чуқур жадал-лаб кетган n=24	0,07± 0,01	0,05± 0,03	0,06± 0,2	0,1± 0,08	0,1± 0,1	0,1± 0,12
	Терминал n=7	2 ранг	3 ранг	3 ранг	3 ранг	3 ранг	4 ранг

Изоҳ: *- бир ҳил муддатларда кузатиш натижасидаги аниқланган таққослаш гуруҳидаги кўрсаткичлар билан фарқи статистик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга (P<0,001-0,02);
º-Фарқлар бошланғич қийматларга нисбатан статистик аҳамиятга эга (P<0,001-0,01).
Изоҳ; тоифаларда кўриш ўткирлигининг 0,005дан кам кўрсаткичлари берилган, бу кўрсаткичларга статистик ишлов берилмаган.
Изоҳ; n- кўзлар сони

7-жадвал

Текширилаётган беморларда КИБ динамикаси (мм сим.уст.) (M±m)

	Бошланғич	Шифохона-дан чиқиш вақтида	1 ойдан кейин	6 ойдан кейин	12 ойдан кейин	18 ойдан кейин
Асосий гуруҳ (n=112)	33,4± 0,8	16,4± 0,7º	17,2± 0,86º	18,0± 1,3º	19,9± 0,3º	21,5± 0,1º
Таққослаш гуруҳи (n=48)	28,4± 1,14	19,1± 0,9*	20,8± 1,03*	22,3± 1,24*	23,1± 0,6*	25,8± 0,3*

Изоҳ: *- бир ҳил муддатларда кузатиш натижасидаги аниқланган таққослаш гуруҳидаги кўрсаткичлар билан фарқи статистик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга (P<0,001-0,02);
º-Фарқлар бошланғич қийматларга нисбатан статистик аҳамиятга эга (P<0,001-0,01).
Изоҳ; n- кўзлар сони

Асосий гуруҳ беморларида ривожланган босқичда операциягача бўлган даврдаги ООЎ кўрсаткичлари ўртача ҳисобда 21,0±0,3 мм ни ташкил этди, 6 ойдан кейин бу кўрсаткичлар ўзгармади ва 21,0±0,21 ммни, 12 ва 18 ойдан кейин бу кўрсаткичларнинг 22,1±0,08 ва 23,5±0,5 мм мос равишда ортиши кузатилди, бу кўз соққасининг ёшга боғлиқ ўсиши билан изоҳланади. Ўтказиб юборилган босқичда операциягача бўлган даврда ООЎ кўрсаткичлари ўртача 24,5±0,3мм ни ташкил этди, 6 ойдан кейин 25,0±0,06мм ни, 12 ойдан кейин 25,9±0,1мм ни, 18 ойдан кейин 26,5±0,01мм ни ташкил этди. Терминал босқичда бу кўрсаткичлар 28,7±0,7 дан 28,5±0,08 ва 30,0±0,05 мм гача мос равишда ўзгарди. Назорат гуруҳидаги болаларда терминал босқичда 6 ойдан кейин кўз соққасининг операциягача бўлган даврдаги кўрсаткичларга нисбатан ўсиши (29,5±0,04 ва 28,7±0,05 мм мос равишда) кузатилди (P<0,001-0,01).

Шундай қилиб, асосий гуруҳдаги беморларда кўз ООЎ кўрсаткичлари операциядан кейинги 1 ой давомида камайди, бу эҳтимол турғун гипотония билан изоҳланади, 6 ойдан кейин ушбу кўрсаткичлар ёшга, тегишли меъёрларга мос келди, бу КИБнинг барқарор даражаси билан боғлиқ бўлди. Асосий гуруҳдаги беморларда ўтказиб юборилган ва терминал босқичларда кузатув мобайнида кўз ООЎ кўрсаткичларининг секин ўсиши, назорат гуруҳида эса тез ўсиши қайд этилди (P<0,001-0,01) (8-жадвал).

КФП кўрсаткичлари: асосий гуруҳда операциядан кейин 6 ой ўтганда эластокўтарилиш ўртача 9,4 мм сим.уст., шох парда деформацияси 2,5 мм. ташкил этди, 12 ойдан кейин мувофиқ тарзда 9,8 мм сим.уст., ва 2,5 мм, 18 ойдан кейин 9,8 мм сим.уст. ва 2,8 мм ташкил этди, бу шох парда шишини камайиши ва ёшга оид кўз олмасини бир текис катталашуви туфайли содир бўлди (96,5%). Таққослаш гуруҳида операциядан 6 ой кейин ЭК 10,8 мм сим.уст. ва шох парда деформацияси 1,8 мм. ташкил этди, 12 ойдан кейин мувофиқ тарзда 11,6 мм сим.уст., ва 2,0 мм, 18 ойдан кейин мувофиқ тарзда 11,4 мм сим.уст. ва 2,0 мм, бу шох парда шиши ва ёшга оид кўз олмасини нотекис катталашуви туфайли содир бўлди (72%).

8- жадвал

Текширилаётган беморларда ООЎ (мм) кўрсаткичининг динамикаси (M±m)

Гуруҳ	Босқичлар	Бошланғич	1 ойдан кейин	6 ойдан кейин	12 ойдан кейин	18 ойдан кейин
Асосий гуруҳ (n=112)	Ривожланган босқич n=48	21,0± 0,3	20,7± 0,4*	21,0± 0,21*	21,6± 0,08*	21,9 ± 0,5*
	Чуқур жадаллаб кетган босқич n=52	24,5± 0,3	24,02± 0,2*	25,0± 0,06*	25,6± 0,1*	25,9± 0,01*
	Терминал босқич n=12	28,7± 0,7	28± 0,2	28,5± 0,08*	29,0± 0,04*	29,2± 0,05*
Таққослаш гуруҳи (n=48)	Ривожланганбосқич n=17	20,0± 0,09	20,0± 0,1*°	20,5± 0,01*°	21,1± 0,1*°	22,0± 0,01*°
	Чуқур жадаллаб кетган босқич n=24	25,5± 0,3	25,9± 0,05	26,8± 0,2*°	27,0±0 ,08*°	27,6± 0,04*°
	Терминал босқич n=7	28,7± 0,05	28,4± 0,09*°	29,5± 0,04*°	30,3± 0,02*°	31,2± 0,1*

Изоҳ: *- бир ҳил муддатларда кузатиш натижасидаги аниқланган таққослаш гуруҳидаги кўрсаткичлар билан фарқи статистик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга (P<0,001-0,02);
*°-Фарқлар бошланғич қийматларга нисбатан статистик аҳамиятга эга (P<0,001-0,01).
Изоҳ; n- кўзлар сони

Кўзнинг фиброз пардаси биомеханик кўрсаткичлари (шох парда деформацияси ва эластик кўтарилиш кўрсаткичлари) асосий гуруҳ беморларида меъёрий қийматга яқинлашди, бу операциядан кейин гидродинамикани нормаллашганлигининг ёрқин далилидир (5,6 расмлар).

Операциядан кейин асосий гуруҳ беморларининг эластоэгриликлари силлиқлашган кўринишга эга бўлди, таққослаш гуруҳида эса бўрилишлар сақланиб қолди, лекин кескин чегараланиш бартараф этилди. Терминал босқичда асосий гуруҳда эластик эгриликда бурилишлар бор эди, лекин кескин чегараларсиз эдилар, таққослаш гуруҳида у силлиқлашган кўринишда эди.

Операциядан кейинга даврда барча бемор болаларда 1, 6, 12, 18 ой оралиғида стандарт офтальмологик текширувларни амалга ошириш орқали фаол кузатуви амалга оширилди. Биринчи операция ўтказилгандан кейинги кузатув қуйидагиларни кўрсатди: асосий гуруҳдаги 2 нафар (1,7%) ТГнинг терминал босқичидаги болага 12 ойдан сўнг таклиф этилаётган усулда қайта операция ўтказилиш талаб этилди; таққослаш гуруҳида 5 нафар (10,5%) чуқур жадаллаб кетган босқичидаги болага 8 ойдан кейин таклиф этилаётган усулда қайта операция ўтказилди, 2 нафар (4%) терминал босқичидаги болага 10 ойдан кейин таклиф этилаётган усулда қайта операция ўтказилди.



5-расм. КФП биомеханик кўрсаткичлари.Операциядан сўнг текширилаётган гуруҳлардаги ЭК динамикаси.



6-расм. КФП биомеханик кўрсаткичлари. Операциядан сўнг текширилаётган гуруҳлардаги ШПДК динамикаси.

Хусусий кузатувлар асосида таклиф қилинаётган глаукомага қарши операцияга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар ишлаб чиқилган. Синусотрабекулотомия, циклодиализ, циклоретракция ва аутосклерал дренаж амалиётини ўтказишга кўрсатма ва қарши кўрсатмаларнинг асосий мезонлари.

Операцияга ўтказишга кўрсатмалар:

1. ТГ нинг барча турларида самарасиз глаукомага қарши ўтказилган операциялардан кейин.
2. ТГ нинг олдинги камера бурчаги II-III даражали гониодисгенезида.
3. ТГнинг гипотензив даво фонида кўз ичи босими 26 мм.сим.уст. дан ортиқ, ООЎ 26,0мм. дан кам бўлган холатда.
4. ЭК 9,0 мм.сим.уст. дан ортиқ ва нотекис эластоэгрилик, шох парда деформацияси кўрсаткичлари 2,5мм дан кам бўлган холларда.

Қарши кўрсатмалар:

1. ТГ нинг олдинга камера бурчаги I даражали гониодисгенези холати.
2. ТГ нинг кўз ичи босими 26 мм.сим.уст. дан кам, 26,0мм дан ортиқ ООЎ бўлган холатда.
3. ЭК 8,0 мм.сим.уст. дан кам ва текисланган эластоэгрилик, шох парда деформацияси кўрсаткичлари 2,5мм дан ортиқ бўлиш холларда.

ХУЛОСА

1. Эластотонометрия усули туғма глаукома билан оғриган болаларда кўзнинг фиброз пардаси биомеханик хусусиятларини баҳолашда объектив сонли (миқдорий) диагностик мезонлиги аниқланди.

2. Туғма глаукоманинг ривожланган ва чуқур жадаллаб кетган босқичларида кўз ичи босими, кўрув нерви дискининг экскавацияси ва шох парда деформацияси билан эластокўтарилиш кўрсаткичи ўрталарида ўртача ижобий боғланиши қайд этилса (r=0,4), касалликни терминал босқичида ушбу боғланишнинг сустлиги аниқланди (r=0,1).

3. Туғма глаукомали болаларда эластокўтарилиш ≥9,0 мм сим.уст. ва шох парда деформация кўрсаткичи ≤2,5 мм бўлганда кўз фиброз пардасининг ригидлик хусусияти ортганлиги исботланди, бу эса аутосклера қўллаган тарзда янги оқма хосил қилувчи антиглаукоматоз усулини ишлаб чиқиш имкониятини берди, натижада кўз ичи суюқлигининг табиий трабекуляр, супрацилиар ва субконъюнктивал йўллар орқали оқиб чиқиши яхшиланди, кўз олмаси олд ва орқа сегментлари ўртасидаги босим мутаносиблиги таъминланди, ҳамда жарроҳлик вақтида ва ундан кейинги асоратлар ривожланиши хавфи камайиб, кўз ички босимини меъёрлаштирилди, унинг кўтарилиши рецидивлари ва қайта операциялар сони камайтирилди.

4. Туғма глаукомали болаларда ишлаб чиқилган аутосклера қўллаган тарзда янги оқма хосил қилувчи глаукомага қарши усули, операциядан олдинги ва кейинги асоратлар сонини 2,5 баробарига камайишига (P<0,001), босимни ўртача 4.3 мм.сим.уст. (P<0,002) пасайишига, кўз ички босимини меъёрлашиши ва уни кўтарилиш эпизодларини 8 марта камайишига, шунингдек 2 йиллик кузатув мобайнида зарурий такрорий жарроҳлик аралашувлар сонини 3,5 баробарга (P<0,001) камайишига олиб келди. Бунда биомеханик кўрсаткичлар (96,5%) холатларда меъёрий кўрсаткичга яқинлашди, элластоэгриликлар бурилишларсиз силлиқлашган кўринишга эга бўлди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Tib.59.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ХАМРОЕВА ЮЛДУЗ АБДУРАШИДОВНА

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИАГНОСТИКИ И ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ВРОЖДЕННОЙ ГЛАУКОМЫ

14.00.08–Офтальмология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ

Ташкент–2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/Tib49.

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tsdi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Бузруков Батир Тулкунович** доктор медицинских наук, доцент
Официальные оппоненты:	**Бессмертный Александр Маркович** доктор медицинских наук **(Российская федерация)**
	БахритдиноваФазилатАриповна доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	**НИИ Глазных болезней городАлматы (Республика Казахстан)**

Защита диссертации состоится «____» _____ 2019 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте (Адрес: 100047, г.Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103, тел./факс: Тел.: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99. E-mail:tdsi2016@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирован за №_____) Адрес: 100047, г. Ташкент, Яшнабадский район, ул. Махтумкули, 103, тел/факс: Тел.: +998-(71) 230-20-65

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки №____ от _____2019 года).

Ж. А. Ризаев
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

Л. Э. Хасанова
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Х. М. Камилов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (Phd))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день одной из самых актуальных проблем офтальмологии во всем мире является применение современных методов лечения врожденной глаукомы. По данным Всемирной организации здравоохранения в нозологической структуре заболеваний органа зрения, приводящих к необратимой детской слепоте, преобладает врожденная патология, обусловленная как нарушениями внутриутробного развития, так и наследственными факторами. В настоящее время «…в мире насчитывается около 1,5 миллионов детей с тяжелыми расстройствами зрения и полностью слепых…»[1]. Врожденные заболевания глаз в настоящее время являются главной причиной слепоты и слабовидения у детей и составляют от 88 до 92% всей детской патологии глаза. В общей структуре детской слепоты «на долю врожденной глаукомы (ВГ) приходится 10-12%»[2]. ВГ гетерогенное заболевание, которое включает различные этиопатогенетические формы данной патологии, основополагающей причиной является нарушение оттока внутриглазной жидкости (ВГЖ) через дренажную систему врожденных аномалий всех структур угла передней камеры, разной степени выраженности, что составляет 0,1% всех глазных заболеваний.

В мире для достижения высокой эффективности клинической диагностики и хирургического лечения ВГ проводится ряд научных исследований, в том числе изучается влияние ригидных свойств фиброзной оболочки на глаукомный процесс, и в целом, исследование ригидности глаза необходимо для того, чтобы связать биомеханические свойства его корнеосклеральной оболочки с текущим уровнем и скачками внутриглазного давления (ВГД). Основным методом лечения ВГ являются, устранение блокированной части трабекулярной зоны от мезодермальной ткани. До сегодняшнего дня это является одной из дискуссионных проблем в хирургическом лечении ВГ у детей. В последние годы появилось новое перспективное направление в применении различных имплантов, имеющих свойства дренажа в сочетании с формированием дополнительных путей оттока ВГЖ. Многочисленные модификации классических фистулизирующих операций направлены на улучшение оттока ВГЖ, но гипотензивный эффект этих операций во многих случаях снижается из-за развития склеро-склеральных, склеро-конъюнктивальных сращений и образования рубцовой ткани. На сегодняшний день это является одной из основных проблем хирургического лечения детей с ВГ.

В нашей стране существует ряд задач по развитию медицинской сферы, адаптации медицинской системы к требованиям мировых стандартов, по профилактике и ликвидации хронических заболеваний. В соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития

---

[1] Результаты отчета ВОЗ за 2014 год.

[2] Хватова А.В., Теплинская Л.Е., Мазанова Е.В. Осложнения трабекулэктомии при врожденной глаукоме у детей // Вестник офтальмологии–2003 –№1 –С. 16-19.

Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены такие важные задачи «…по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности…»[3]. Важным является раннее выявление и оказание качественной медицинской помощи при офтальмологических заболеваниях, в том числе различных видах глаукомы, на основании применения инновационных технологий и разработки современных методов лечения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3071 «О мерах по дальнейшему совершенствованию оказания специализированной медицинской помощи населению Узбекистана на 2017-2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данном направлении.

